

МЕТАБОЛИК СИНДРОМ ВА ИНСУЛЬТНИНГ АЁЛЛАРДА КЕЧИШ ХУСУСИЯТИ

Тешаева Малика Қахрамоновна

Ахмедова Дилафруз Баходировна

Бухоро давлат тиббиёт институти

Аннотация: метаболик синдром фонида келиб чиққан ишемик инсульт беморларида метаболик бузилишларнинг назорати пасайиши ва бунинг натижасида оғир асоратларнинг эрта ривожланишини барвақт ташхислаш ва ногиронликка олиб келувчи сабаб сифатида унинг ўрнини баҳолаш, касалликнинг ривожланишида наслий мойилликнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, метаболик синдром фонида ривожланган ўткир цереброваскуляр бузилишларнинг ривожланишини иммунологик омилларни ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб муаммодир

Калит сўзлар: метаболик синдром, ишемик инсульт, қандли диабет, гормонал фон

ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА И ИНСУЛЬТА У ЖЕНЩИН

Тешаева Малика Қахрамоновна

Ахмедова Дилафруз Баходировна

Бухарский государственный медицинский институт

Аннотация: разработка мер по улучшению ранней диагностики с учетом иммунологических факторов, с учетом снижения контроля метаболических нарушений у пациентов с ишемическим инсультом, вызванных на фоне метаболического синдрома, и преждевременной диагностики раннего развития тяжелых осложнений как причины инвалидизации, определяющей роль и значение о наследственной предрасположенности к развитию

Ключевые слова: метаболический синдром, ишемический инсульт, сахарный диабет, гормональный фон

Дунёда цереброваскуляр касалликлар (инсульт) сони йилдан-йилга ортиб бормокда ва жаҳон инсульт жамияти маълумотларига кўра «ўлим ва ногиронлик сабабларига кўра бугунги кунда инсульт етакчи ўринни эгаллайди. Ҳар 6 кишидан 1 таси ҳаёти давомида, ҳар йили эса 15 миллион аҳоли инсульт билан касалланади, улар орасидан 5,8 миллион ҳолатда ўлим ва 6,7 миллион кишида ногиронлик кузатилади. Инсульт ривожланишининг асосий омили метаболик синдром (МС) компонентлари бўлиб, улар инсульт ривожланишини бир неча баробарга оширади». Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари маълумотларига кўра МС учраш даражаси «бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ривожланган давлатлар XXI аср пандемияси билан тўқнаш келмокда. Бу улар учун демографик фалокат сабаби бўлиши мумкин. МС таркалиши қандли диабетдан 2 баробар кўп булиб, ва яқин 25 йилда унинг тезлиги 50% га ошиши кутилмокда». Шу билан бирга, инсультнинг асоратлари ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади. Дунёда ишемик инсульт, хусусан метаболик синдром фонида кечувчи цереброваскуляр касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмокда. Бу борада беморларда касалликнинг оғир кечишининг асосий сабабларидан бири бўлган метаболик синдромни ташхислаш, ишемик инсульт (ИИ) билан оғирган беморларда метаболик бузилишларнинг назорати пасайиши ва бунинг натижасида оғир асоратларнинг эрта ривожланишини барвақт ташхислаш ва ногиронликка олиб келувчи сабаб сифатида унинг ўрнини баҳолаш, касалликнинг ривожланишида наслий мойилликнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, МС фонида ривожланган ўткир цереброваскуляр бузилишларнинг ривожланишини иммунологик омилларни ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, кейинги оғир асоратларни олдини олишга ва эрта реабилитациясига қаратилган даволаш тизимини яратиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб

қолмоқда. Мамлакатимизда ўткир цереброваскуляр касалликларни эрта диагностика қилиш ва даволаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, метаболик бузилишлар билан бирга кечадиган ИИларни ўз вақтида аниқлаш ва тўғри ташхислаш, ушбу касаллик олиб келадиган оғир ногиронликни олдини олиш ва қайта тикланиш чора тадбирларини шакллантириш буйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Умurtқа артерияси синдроми фонида келиб чиққан вертебробазиляр тизим ишемияси даволашда касаллик патогенези, клиник-неврологик, иммунологик хусусиятларига эътибор бериш, самарали текширув ва даволаш услубларини кўриб чиқиш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, реабилитация самарадор усулларини топиш, мавжуд алгоритмни такомиллаштириш, беморларни олиб боришнинг ягона тамойилини ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Метаболик синдром фонида менопаузадан олдин ва кейин аёлларда ишемик инсультнинг клиник- патогенетик хусусиятлари ўрганилиши, хавф омиллари баҳоланиши, ташхислаш ва даволашда комплекс тадбирлар ташкиллаштирилишини талаб этади. Метаболик синдром ва гормонал фонни ҳисобга олган ҳолда касаллик даволаниши лозим. Эрта ташхислаш мақсадида Купперман модификацияланган менопауза индекси натижалари ишемик инсульт нохуш асоратларини, шунингдек леталликни камайитириш имконини беради. Шундай қилиб, ишемик инсультда метаболик синдром оғир асоратлар билан якунланишини башоратлаш, юқори хавф омилларини башоратлаш ва бартараф этиш мақсадида махсус даволаш тактикаси ишлаб чиқирилиши метаболик синдром фонида менопаузадан олдин ва кейин аёлларда ишемик инсультни даволашда фойдаланиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Ходжиева Д. Т., Ахмедова Д. Б. Турли генезли бош оғриқларида беморларни олиб боришга дифференциал ёндашув ва реабилитация усулларини такомиллаштириш //журнал неврологии и нейрохирургических исследований. – 2022. – Т. 3. – №. 4.

2. Bahodirovna A. D. Evaluation Of the Effect of Girudotherapy on Pain Intensity in Chronic Tension Headaches According to The Mcgigl Survey //Eurasian Medical Research Periodical. – 2021. – T. 1. – №. 1. – С. 7-12.
3. Akhmedova D. B. Tension headache-treated with amitriptyline-A //International Multidisciplinary Scientific Conference on the Dialogue between sciences & arts, religion/march-april-91-92. – 2021.
4. Bakhodirovna A. D. Analysis of Side Effects of Drugs Used in the Treatment of Chronic Tension-Type Headache //international journal of inclusive and sustainable education. – 2022. – T. 1. – №. 4. – С. 54-55.
5. Ахмедова Д. Бирламчи бош оғриқлари фармакотерапияси //Прикладные науки в современном мире: проблемы и решения. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 9-13.
6. Ахмедова Д. Б. Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи ва мигренда олий нерв фаолияти бузилиши //журнал неврологии и нейрохирургических исследований. – 2021. – №. SPECIAL 1.
7. Муратов Ф.Х., Шермухамедова Ф.К. Метаболик синдром жараёнида ривожланган ишемик инсульт клиникаси ва кечув хусусиятлари // Неврология.– Ташкент, 2011. – №3 (51). – С.19-21. (14.00.00; №4).
8. Muratov F.H., Shermuhamedova F.K., Akbarkhodjaeva Z.A. Role of fibrate in treatment of dyslipidemia at ischemic stroke against metabolic syndrome // Неврология. –Ташкент, 2012. – №3-4 (55-56). – С.101-102.(14.00.00; №4)
9. Асадуллаев М.М., Саидвалиев Ф.С., Шермухамедова Ф.К., Ризванов Ж.К., Вахобова Н.М. Оценка мультимодального действия цитофлавина при остром мозговом инсульте, развившемся на фоне метаболического синдрома //Журнал неврологии и психиатрии им. С.С.Корсакова. – Москва, 2012. – Т. 112,№10. – С.24-27.(14.00.00; №50)
10. Муратов Ф.Х., Шермухамедова Ф.К. Метаболик синдромида цереброваскуляр асоратлар патогенезига замонавий қарашлар // Неврология. – Ташкент, 2015. – №4(64). – С. 29-31 (14.00.00; №4)